



Tadqiqot uz

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**30 NOYABR
№34**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 34-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
3-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
34-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-3**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
34-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-3**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 34-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 9 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохидат Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

1. Мамедов Абдулла
ИЛК УЙҒОНИШ ДАВРИ ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ АЛЛОМАЛАРИНИНГ
ИЛМИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИ 7



ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

ИЛК УЙҒОНИШ ДАВРИ ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИЛМИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Мамедов Абдулла

Қорақалпоғистон Республикаси Тахиятош тумани
22-сонли умумий ўрта таълим мактабининг
Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси
abdulla_dsc@mail.ru

Аннотация: Мақолада илк Уйғониш даври Жанубий Оролбўйи алломаларининг илмий ва маънавий мероси ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: уйғониш, астрономия, математика, география, тасаввуф, фикх, тафсир.

Ўрта Осиёда IX-XII асрлардаги илк Уйғониш даврида юз берган маданий юксалиш бутун дунёда илм-фан ва маданият соҳасининг ривожланиши учун замин яратди. Ушбу даврда Жанубий Оролбўйи ҳудудида ҳам маданий юксалиш кузатилиб, илм-фан, санъат ва маданият янги ғоялар асосида ривожланди.

Илк Уйғониш даврида Жанубий Оролбўйдан жаҳон илм-фан ва маданиятни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган қомусий олимлар етишиб чикди. Шу жумладан, аниқ, табиий ва ижтимоий фанлар соҳасидаги буюк кашфиётлари билан дунёга танилган қомусий алломалар Мусо ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Наср ибн Ироқ, Маҳмуд аз-Замахшарий, тасаввуф тариқатини кенг тарғиб қилган ва ва ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшган донишмандлар Сулаймон Боқирғоний, Шайх Нажмиддин Кубро каби буюк сиймолар бизга қолдирган илмий ва маънавий мероси орқали илк уйғониш даврида Жанубий Оролбўйда илм-фан ва маданиятнинг юксак чўққиларни забт этганлигини кўришимиз мумкин.

Буюк мутафаккир Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Мусо ал-Хоразмийнинг (783-850) фан олдига хизматлари бениҳоят катта саналади. Ўз даврида Бағдодда ташкил этилган «Донишмандлар уйи» – «Байт-ул-хикма» да фаолият юритган олим математика, астрономия, география, тарих ва бошқа фан соҳаларида катта ютуқларга эришиб, буюк кашфиётларни амалга оширди. Хоразмийнинг энг катта кашфиётларидан бири алгебра фанига асос солгани бўлди. «Алгебра» атамаси унинг математик фактлар асосида ёзилган «Китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала» номли рисоласидан олинган. Ушбу асар XII асрда лотин тилига таржима қилиб бутун дунёга машҳур бўлди.

Ўрта асрларнинг буюк мутафаккири Абу Райхон Беруний (973-1048) ўзининг фаннинг турли соҳаларига оид асарлари ва кашфиётлари орқали жаҳон илм-фан тарихида сўнмас из қолдирди. Абу Райхон Беруний ижодий фаолияти давомида турли фан соҳаларига оид 160 дан ортиқ асарлар яратган. Шу жумладан, астрономия, математика, арифметика, минерология, геодезия, геология, география, тарих ва бошқа фан соҳаларида яратган асарлари бизнинг давримизгача етиб келган. Шунингдек, ёзма манбалардан маълум бўлишича, Беруний жуда кўплаб тилларини пухта ўрганган. У қадимги сўғд тили, араб, форс ва юнон тилларини мукамал ўзлаштирган. Беруний Ҳиндистонга қилган сафари давомида эса, жуда мураккаб бўлган қадимий санскрит тилини ҳам мукамал ўрганиши, унга ушбу ўлка ҳақида шох «Ҳиндистон» (1030-йили) асарини яратиш имконини берди [Маънавият юлдузлари, 94]. Узоқ йиллар астрономик кузатишлар олиб борган аллома, кейинчалик астрономия соҳасидаги машҳур «Қонуни Маъсудий» («Маъсуд қонуни») асарини яратди.

Илк Уйғониш даврининг алломаларидан бири Абу Наср ибн Ироқ (X аср ўрталарида туғилган, 1034-йилда вафот этган) аниқ фанлар соҳасидаги асарлари билан шуҳрат қозонган. Аллома асосан математика ва астрономия соҳаларида асарлар ёзган. У синуслар теорема-



сини исботлаб [Сулаймонова, 215], ўрта аср аниқ фанлар соҳасида катта кашфиётларни амалга оширган ва 20 дан ортиқ асарлар яратган. Сферик тригонометрия усулларининг ривожланишига ўз хиссасини қўшди. Унинг астрономияга оид машҳур «Шох Алмагестаси» асари бизгача етиб келмаган. Аллома замонасида «математика билан шуғулланадиган олимларнинг энг буюғи» деб улуғланган.

Жаҳон тамаддуни тараққиётига муносиб ҳисса қўшган мутафаккирлардан бири Маҳмуд аз-Замахшарий (1074-1144-йиллар) саналади. Маҳмуд аз-Замахшарий ижодий фаолияти кўп қиррали бўлиб, у кўплаб соҳаларда ўз истеъдодини намён қилишга эриша олган. Унинг тил ва адабиётшунослик, фикҳ, тафсир, география ва шу каби соҳаларда яратган эликдан ортиқ асарлари маълум. Унинг «Ал-Муфассал», «Муқаддимат ул-адаб», «Асос ал-балоға» каби асарлари араб тилшунослигига доир муҳим манбалар саналади. Қуръон тафсирига бағишланган «Ал-Кашшоф» асари алломанинг диний билимларни ҳам чуқур ўзлаштирганлигидан далолат беради. Бугунги кунда «Ал-Кашшоф» асарининг жаҳон ва юртимиз кутубхоналарида бир нечта қўлёзма нусхалари сақланади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек тарихий жараёнлар юз бермоқда. Ҳар биримиз юксак илм-маърифат эгалари бўлиш орқали юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга муносиб ҳисса қўшмоғимиз даркор. Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш – келажакда юртимиз юксак тараққиётининг ёркин белгиси бўлса ажаб эмас.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). Т., 1999.
2. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб (Қадимги давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари). Т., «Ўзбекистон», 1997.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 34-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(3-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2021

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000